

2/2023,
mart-aprel
(№ 00064)



ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ТАРЗИГА ТАЪСИРИ ВА УНИНГ ПРОГНОЗИ

Маматкулов Тухта Даминович

Термиз давлат университети ўқитувчиси. Тошкент, Ўзбекистон.

ORCID: 0009-0001-9441-0347 adeza13@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss2/i26

Аннотация

Ушбу мақолада иқтисодий ўсишнинг аҳоли турмуш тарзига таъсири баён этилган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича иқтисодий ўсиш ва демографик ўзгаришлар ўрганилган ва статистик таҳлил қилинган. Иқтисодий ўсиш ва демографик ўзгаришларнинг ўзаро мувофиқлиги бўйича республика ҳудудлари ҳолати баҳоланган ва гуруҳларга ажратилган. Эконометрик моделлар асосида аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи асосий кўрсаткичлар бўйича ўрта муддатли прогноз қийматлари ишлаб чиқилган. Шунингдек, иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: иқтисодий ўсиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли турмуш даражаси, ялпи ички маҳсулот, ялпи ҳудудий маҳсулот, даромад.

ВЛИЯНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОГО РОСТА НА ОБРАЗ ЖИЗНИ НАСЕЛЕНИЯ И ЕГО ПРОГНОЗ

Маматкулов Тухта Даминович

Преподаватель Термезского государственного университета. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В данной статье описано влияние экономического роста на образ жизни населения. Изучены и статистически проанализированы экономический рост и демографические изменения в регионах Республики Узбекистан. Состояние регионов республики оценено и разделено на группы по сочетаемости экономического роста и демографических изменений. На основе эконометрических моделей разработаны среднесрочные прогнозные значения основных показателей, отражающих уровень жизни населения. Разработаны также научно обоснованные предложения по обеспечению устойчивости экономического роста и улучшению образа жизни населения.

Ключевые слова: экономический рост, социально-экономическое развитие, уровень жизни населения, валовой внутренний продукт, валовой региональный продукт, доход.

THE EFFECT OF ECONOMIC GROWTH ON THE LIFESTYLE OF THE POPULATION AND ITS FORECAST

Mamatkulov Tukhta Daminovich

Teacher of Termiz State University. Tashkent, Uzbekistan.

Abstract

This article describes the impact of economic growth on the lifestyle of the population. Economic growth and demographic changes in the regions of the Republic of Uzbekistan were studied and statistically analyzed. The state of the republic's regions was evaluated and divided into groups according to the compatibility of economic growth and demographic changes. On the basis of

econometric models, mid-term forecast values for the main indicators representing the standard of living of the population have been developed. Scientifically based proposals have also been developed to ensure the stability of economic growth and improve the lifestyle of the population.

Key words: economic growth, socio-economic development, standard of living of the population, gross domestic product, gross regional product, income.

Кириш

Бугунги кунда XX аср ўрталарига нисбатан дунё аҳолиси сони уч баравар кўпайди. Яъни, 1950 йилда 2,5 миллиард киши бўлган бўлса, 2022 йилда 8,0 миллиардга етди. Жумладан, 2010 йилдан буён 1 миллиард киши, 1998 йилдан буён эса 2 миллиард киши қўшилди. 1950 йилдан буён одамлар сони икки баравар кўпайиб, 5 миллиарддан ошиб кетиши учун тахминан 37 йил керак бўлди. Бу тенденция шундай давом этса, дунё аҳолиси яна икки баравар кўпайиб, 2059 йилга келиб 10 миллиарддан ошиши учун 70 йилдан кўпроқ вақт керак бўлади [1].

Глобал аҳоли тенденцияларининг бунда ўзгариши мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаган. Маълумотларга кўра, 2022 йилда Ўзбекистонда доимий аҳоли сони 35271,3 минг кишини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 712,4 минг кишига, 2010 йилга нисбатан 7269,9 минг кишига, 2000 йилга нисбатан 10783,6 минг кишига ортганлиги кузатилди.

Албатта дунё аҳолиси жумладан, мамлакатимизда аҳолининг бундай ўсиш суръати унинг турмуш тарзига таъсир кўрсатади. Чунки, ҳар қандай давлатда биргина иқтисодий ривожланишнинг ўзи аҳоли турмуш тарзини яхшилашга етарли эмас. Масалан, аҳолини қулай жойлаштириш, экологик тоза озиқ-овқат билан ҳамда ижтимоий ва тиббий хизматлар тўлиқ қамровини таъминлаш кабилар шулар жумласидан.

Шу боисдан ҳам глобал, минтақавий ва миллий миқёсда аҳоли сони тенденцияларини баҳолаш, демографик маълумотлар тўплаш ва қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш асосида асосий демографик истиқболларни белгилаш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Маълумки, мамлакатда доимий аҳоли сонини турли расмий идораларнинг функционал вазифаларини бажаришлари давомида шаклланган маълумотлар асосида аниқлаб бўлмайди. Реал аҳоли сонини аниқлашнинг ягона усули бу – аҳолини ёппасига ҳатловдан ўтказишдир. Баъзи давлатларда бу оммавий сўровлар ўтказиш тарзида ҳам амалга оширилади.

1960 йилнинг охирларида сўнг микро даражадаги сўров маълумотлари ва уларни таҳлил қилиш учун статистик воситалар мавжуд бўлганда, янада тубдан ўзгаришлар юз берди. Ахборотнинг асосий манбаи сифатида ҳаётий статистик маълумотларнинг аста-секин сўров маълумотлари билан алмаштирилиши демографиядаги тадқиқот кўламига ҳам ўз таъсирини кўрсатди [2].

Ушбу тадқиқот турли демографик маълумотларни тўплашда келажакдаги тадқиқотлар учун асос яратади. Инклюзив демографик маълумотларни тўплаш нафақат инклюзив омиллар, балки ушбу омилларни қандай бошқариш масаласи ҳам муҳимдир [3].

Бундай интеграция муайян ижтимоий-иқтисодий омиллар ва турмуш тарзига тааллуқли чора-тадбирларни илгари суришга ҳисса қўшиши мумкин ва метаболизмни ўзгартиришга ҳамд ушбу муҳим тадқиқот усулидан барқарорликни ривожлантириш воситаси сифатида фойдаланишга ёрдам бериши мумкин [4].

K.A.Hafner va D.Mayer-Foulkes fikricha, юқори даражада даромад ва инсон тараққиёти – паст туғилиш ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд. Бу мутаносибликнинг ижобий томонлари 1980-2007 йилларда кузатилган [5].

Huo Jie va бошқаларнинг фикрича эса барқарор ривожланиш тамойиллари иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатларни қамраб олади. Яъни, иқтисодий тизимлар ва ижтимоий тузилмалар ривожланиши ижобий демографик ўзгаришларга олиб келади [6].

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши бевосита аҳолининг демографик ўзгаришлари (аҳоли сонининг ўсиши, турмуш тарзи, инсонлар тараққиёти ва бошқалар)га боғлиқ. Бир сўз билан айтганда иқтисодий ўсиш – инсон тараққиёти ўзаро тескари ижобий алоқага эга.

Иқтисодий ўсиш - тўлиқ бандлик билан мужассамлашган ишлаб чиқариш реал ҳажмининг узоқ муддат мобайнида ўсишидир. Иқтисодий ўсиш ЯИМ, давлат иқтисодий қудрати ва инсонлар фаровонлигининг ўсишида ўз ифодасини топади. Шунингдек, иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлоқ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатнинг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ҳам ифодаланади [7].

Демак, иқтисодий ўсишга эришиш ва унинг барқарорлигини таъминлаш учун аҳоли турмуш даражасини яхшилаш муҳим омил ҳисобланади. Ўз навбатида яхши турмуш даражасига эга бўлган аҳолида тараққиётга интилиш юқори бўлади.

Тадқиқот методологияси

Ушбу тадқиқотда жадвал, қиёсий таҳлил, график тасвирлаш, эксперт баҳолаш, мантиқий фиклаш, аналитик таққослаш, динамик қаторлар, иқтисодий-математик усуллар, эконометрик моделлар, усуллар кенг қўлланилган. Шунингдек, мазкур мавзуга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган. Таҳлилларда ҳалқаро ва маҳаллий расмий статистик маълумотлардан фойдаланилган.


Таҳлил ва натижалар

Таҳлилларга кўра, 2022 йилда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 5,7 фоиз, саноат маҳсулотлари 5,2 фоиз, қурилиш ишлари 6,6 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3,6 фоизга, хизматлар 15,9 фоиз, экспорт 15,9 фоиз, чакана савдо айланмаси 12,3 фоиз ўсиш суръатлари кузатилди (1-расм).



1-расм. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари¹ (фоизда)

Таъкидлаш жоизки, ялпи ички маҳсулот ўсишининг 55,1 фоизи хизматлар, 23,3 фоизи саноат, 15,5 фоизи қишлоқ хўжалиги ва 7,2 фоизи қурилиш соҳалари ҳиссасига тўғри келади.



2-расм. 2022 йилда Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ўсиш суръатида тармоқлар ҳиссаси¹ (фоизда)

Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатлари Андижон (8,6 фоиз), Наманган (6,6 фоиз), Самарқанд (5,8 фоиз), Хоразм (5,7 фоиз) вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида (7,9 фоиз) кузатилди.

Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми 24919,7 минг сўмни ташкил этди (ўсиш 3,5 фоиз). Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) ҳажми 15249,4 минг сўмни, Андижон (16564,0), Бухоро (22975,6), Жиззах (18596,0), Қашқадарё (14372,6), Навоий (63832,1), Наманган (13864,4), Самарқанд (15323,2), Сурхондарё (12561,6), Сирдарё (20433,5), Тошкент (31499,2), Фарғона (14219,1), Хоразм (16465,7), Тошкент шаҳрида (50675,3) минг сўм ташкил этган. Бундан кўриниб турибдики, энг юқори аҳоли жон бошига ЯҲМ ҳажми Навоий вилояти ва Тошкент шаҳри ҳиссаларига тўғри келган.

Агар жаҳон амалиётида аҳоли турмуш даражасини баҳолашнинг асосий кўрсаткичларидан бири бу – аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми бўладиган бўлса, мамлакатимиз бўйича юқоридаги кўрсаткични таркибий таҳлил қилиш лозим бўлади. Чунки, аҳоли жон бошига ЯИМ (ЯҲМ) ҳажми тўғридан-тўғри ЯИМ (ЯҲМ) ҳажмига аҳоли сонининг нисбати сифатида олиш орқали тўлиқ баҳолаб бўлмайди.

Бунда бошқа омиллар бўйича таққосмала таҳлиллар асосида қўшимча баҳолаш лозим. Хусусан, ҳудудлар бўйича ЯҲМ ҳажми ва аҳоли зичлиги ўртасидаги тафовутларни ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ.

Таҳлилларга кўра, 2022 йил маълумотлари бўйича мамлакатимизда юқори ЯҲМ ҳажмига эга бўлган ҳудудларга Тошкент шаҳри 147414,6 млрд. сўм, Тошкент 93 433,1 млрд. сўм, Навоий 66 685,4 млрд. сўм, Самарқанд 62440,3 млрд. сўм, Фарғона 55972,1 млрд. сўм, Андижон 54464,0 млрд. сўм ва Қашқадарё 49520,8 млрд. сўм билан кирган бўлса, 2022 йил бошига энг кўп аҳолининг зич жойлашуви яъни, 1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони бўйича Бухоро 756 нафар, Хоразм (577), Самарқанд (394), Тошкент шаҳри (318), Сурхондарё (240), Тошкент (206) ва Фарғона (194) вилоятлари етакчилик қилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари²

Худудлар	Ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми, млрд. сўм			1 кв.км га тўғри келадиган аҳоли сони (йил бошига)		
	2002	2012	2022	2002	2012	2022
Ўзбекистон Рес.	7 450,2	127 590,2	888 341,7	56	66	79
Қорақалпоғистон Рес.	214,3	3 561,6	29 925,4	9	10	12
Андижон	546,3	7 623,8	54 464,0	535	631	756
Бухоро	442,8	7 133,2	45 797,3	36	42	49
Жиззах	209,4	3 773,5	27 140,8	47	56	68
Қашқадарё	559,8	10 872,1	49 520,8	79	97	119
Навоий	380,9	6 528,8	66 685,4	7	8	9
Наманган	364,9	5 924,1	41 098,2	268	325	394
Самарқанд	580,6	9 954,5	62 440,3	164	198	240
Сурхандарё	395,1	6 436,4	34 858,5	90	110	137
Сирдарё	175,5	2 936,1	18 136,8	153	173	206
Тошкент	776,1	12 782,3	93 433,1	156	175	194
Фарғона	727,2	9 113,0	55 972,1	407	485	577
Хоразм	283,5	4 793,4	31 963,1	225	269	318
Тошкент ш.	871,0	16 681,2	147 414,6	6 455	6 914	6 379

Бундан ташқари, доимий аҳоли сони (йил бошига) кўплиги бўйича Самарқанд вилояти 4031,3 минг киши билан етакчилик қилса, Фарғонада 3896,40 минг киши, Қашқадарёда 3408,3 минг киши, Андижон 3253,5 минг киши, Тошкентда 2939,7 минг киши, Тошкент шаҳрида 2862,4 минг киши, Наманганда 2931,1 минг киши ва Сурхандарё 2743,2 минг киши истиқомат қилади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг қиёсий макроиқтисодий кўрсаткичлари², фоизда

Худудлар	ЯИМ ҳажмида ЯҲМ ҳажмининг улуши			Доимий аҳоли сонида ҳудуд аҳолисининг улуши		
	2002	2012	2022	2002	2012	2022
Ўзбекистон Рес.	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Қорақалпоғистон Рес.	2,9	2,8	3,4	6,1	5,7	5,5
Андижон	7,3	6,0	6,1	8,9	9,2	9,2
Бухоро	5,9	5,6	5,2	5,8	5,8	5,6
Жиззах	2,8	3,0	3,1	4,0	4,0	4,1
Қашқадарё	7,5	8,5	5,6	9,0	9,4	9,7
Навоий	5,1	5,1	7,5	3,2	3,0	2,9
Наманган	4,9	4,6	4,6	7,9	8,2	8,3
Самарқанд	7,8	7,8	7,0	10,9	11,3	11,4
Сурхандарё	5,3	5,0	3,9	7,2	7,5	7,8
Сирдарё	2,4	2,3	2,0	2,6	2,5	2,5

Тошкент	10,4	10,0	10,5	9,5	9,0	8,3
Фарғона	9,8	7,1	6,3	10,9	11,1	11,0
Хоразм	3,8	3,8	3,6	5,5	5,5	5,5
Тошкент ш.	11,7	13,1	16,6	8,5	7,8	8,1

2-жадвал маълумотларидан ҳам кўришиб турибдики, республика ҳудудларида ЯҲМ ҳажми ва ҳудуддаги доимий яшовчи аҳоли сони бир-бирига номутаносиб. Буни баҳолаш учун 2002, 2012 ва 2022 йиллар давомидаги ЯИМ ҳажмида ЯҲМ ҳажмининг улуши билан доимий аҳоли сонида ҳудуд аҳолисининг улушининг фарқларини қуйидаги формула орқали аниқлаш лозим.

$$D_i = \frac{GDP_i}{GRP_i} \cdot 100 - \frac{PR_i}{RA_i} \cdot 100$$

бу ерда: D_i – ЯИМ ҳажмида ЯҲМ ҳажмининг улуши билан доимий аҳоли сонида ҳудуд аҳолисининг улушининг фарқ;


GDP_i – ЯИМ ҳажми;

GRP_i – ЯҲМ ҳажми;

PR_i – доимий аҳоли сони;

RA_i – ҳудуд аҳолиси сони.

Таҳлилларга кўра, ЯИМ ҳажмида ЯҲМ ҳажмининг улуши билан доимий аҳоли сонида ҳудуд аҳолисининг улушининг фарқ вариацион кенглиги -3,7:5,6 ораллиғига тенглигини кўрсатди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикасида (-2,8), Андижон (-2,6), Бухоро (-0,2), Жиззах (-1,1), Қашқадарё (-2,1), Навоий (2,9), Наманган (-3,4), Самарқанд (-3,7), Сурхандарё (-2,7), Сирдарё (0,3), Тошкент (1,4), Фарғона (-3,3), Хоразм (-1,8), Тошкент шаҳрида (5,6) ташкил этди (3-расм).



3-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришлар билан боғлиқлиги³

Фикримизча, D_i нинг қабул қилиш коэффициентига республика ҳудудларини шартли равишда 3 та гуруҳларга ажратиш мумкин. Яъни, иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришлар билан 1) юқори даражада мутаносиблик мавжуд ҳудудлар (

–1 ≤ D_i ≤ 1), 2) ўрта даражада мутаносиблик мавжуд ҳудудлар ($-3 ≤ D_i < -1$; $1 < D_i ≤ 3$), 3) номутаносиблик мавжуд ҳудудлар ($D_i < -3$; $D_i > 3$)га ажратиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг иқтисодий ўсиш ва демографик ўзгаришлари мутаносиблиги бўйича гуруҳланиши⁴

1-гуруҳ (иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришлар билан юқори даражада мутаносиблик мавжуд ҳудудлар)	2-гуруҳ (иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришлар билан ўрта даражада мутаносиблик мавжуд ҳудудлар)	3-гуруҳ (иқтисодий ўсишнинг демографик ўзгаришлар билан номутаносиблик мавжуд ҳудудлар)
Бухоро ва Сирдарё	Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Сурхандарё, Тошкент, Хоразм	Наманган, Самарқанд, Фарғона, Тошкент ш.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий жараённи янада ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва унинг самарасини ошириш учун уни ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолаш талаб этилади. Чунки, энг оптимал стратегияни танлаш ва қабул қилиш аниқ натижадир [8]. Бунда, иқтисодий жараёнларни эконометрик таҳлил қилишда кўрсаткичлар бўйича кейинги давр учун прогноз қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Бу келажакдаги эришиш мумкин бўлган натижаларни олдиндан билиш имконини беради.

Ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларнинг вақт омили бўйича ўзгаришини прогнозлашда одатта экспоненциал тренд моделидан фойдаланилади.

$$y = a_0 e^{at} + \varepsilon$$

бу ерда: y - кутилаётган прогноз кўрсаткич;

t – вақт омили; e (2,718) – натурал логарифм асоси.

Таҳлилларга кўра, 2022 йилда республикада аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми 24919,7 минг сўм, ўсиш суръати 103,5 фоизни, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 15979,3 минг сўм, ўсиш суръати 107,5 фоизни ташкил этган (4-жадвал).

4-жадвал

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар⁵, минг сўм

Кўрсаткич	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми	4 285,2	5 069,3	6 074,2	7 072,2	8 020,1	9 802,1	12 945,7	15 863,8	17 688,5	21 149,2	24 919,7
Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий)	105,5	105,6	105,1	105,4	104,1	102,7	103,7	104,0	100,1	105,3	103,5

⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. <https://stat.uz>

Кўрсаткич	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Маҳсулотнинг ўсиш суръати, %											
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар	3267,8	3902,7	4472,0	5127,5	5887,9	6681,4	7767,0	9509,6	10734,3	13416,8	15979,3
Аҳоли жон бошига умумий даромадларининг ўтган йилга нисбатан реал ўсиш суръати, %	111,6	111,4	107,1	107,7	108,8	107,5	106,2	104,2	98,6	110,7	107,5

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи “аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми”, “аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар” ва уларнинг ўсиш суръатларини 2023-2027 йиллар учун ўрта муддатли прогноз қийматларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ (5-жадвал).

5-жадвал

Аҳоли турмуш даражасини ифодаловчи прогноз кўрсаткичлар⁶, минг сўм

Кўрсаткич	Модел	2023	2024	2025	2026	2027
Аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми	$y = 3499,2e^{0,1802t}$ $R^2 = 0,98$	30408,1	36411,7	43600,7	52209,0	62516,8
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар	$y = 2764,4e^{0,1547t}$ $R^2 = 0,97$	17690,6	20650,0	24104,5	28136,9	32843,9

Прогноз натижаларига кўра, 2027 йилга бориб мамлакатимизда аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми 62516,8 минг сўм ва аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 32843,9 минг сўмни ташкил этиши мумкин.

Хулоса ва таклифлар

Фикримизча, мамлакатимизда иқтисодий ўсиш барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли турмуш тарзини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

- юқори даромадли қўшимча иш ўринларини ташкил этган тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш;
- реал сектордаги корхоналарга (ижтимоий объект) йўналтирилаётган ички ва ташқи инвестицияларни мақсадли ишлатилишида жамоат назоратчилигини кучайтириш орқали улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- аҳолининг ўз-ўзини банд қилиш бўйича ажратилаётган микрокредит маблағларини таъминотчи ташкилотларга эмас, балки, аҳолининг ўзига нақд ёки банк пластик карталарига ўтказиш амалиётини жорий этиш орқали унинг самарасини ошириш;
- монополияга қарши курашиш чора-тадбирларини ошириш ва соғлом рақобатни таъминлашга шарт-шароитлар яратиш;

- аҳоли турмуш тарзини ҳар томонлама яхшилаш мақсадида олис ҳудудларда жойлашган ижтимоий объектлар шарт-шароитларини янада яхшилаш, жумладан таълим муассасаларидаги шароитларни яхшилаш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сўнги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида охириги ўн йилликда аҳоли жон бошига ялпи ички (ҳудудий) маҳсулот ҳажми қарийб 20,6 млн. сўмга ошган бўлса, шу даврда ўсиш суръати ўртача 104,1 фоизни ташкил этган. Шунингдек, аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар 12,7 млн. сўмга ошган бўлса, ўртача ўсиш суръати 107,4 фоизни ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиб бораётганлигини ифодалайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. United Nations. World Population Prospects 2022: Summary of Results. United Nations New York, 2022, p.3. <https://www.un.org>

2. Ting Li., Yu Xie. The evolution of demographic methods // Social Science Research. Volume 107, September 2022, 102768. <https://doi.org/10.1016/j.ssresearch.2022.102768>

3. K.Rupinski, S.Berger, B.Klooster, A.Moreno-Koehler, N.Ibrahim, G.Dickie. PCR119 Who We Are Matters: Inclusive Demographic Data Collection in Patient-Centered Outcomes Research // Value in Health. Volume 25, Issue 12, Supplement, December 2022, Page S413 <https://doi.org/10.1016/j.jval.2022.09.2054>

4. Meidad Kissinger, Yuval Damari. Household metabolism: Integrating socio-economic characteristics and lifestyles on individual and national scales as a mean for advancing environmental management // Journal of Environmental Management. Volume 279, 1 February 2021, 111526 <https://doi.org/10.1016/j.jenvman.2020.111526>

5. Hafner K.A., Mayer-Foulkes D. Fertility, economic growth, and human development causal determinants of the developed lifestyle // Journal of Macroeconomics. Volume 38, Part A, December 2013, Pages 107-120 <https://doi.org/10.1016/j.jmacro.2013.04.001>

6. Huo Jie and et. Sustainable energy policy, socio-economic development, and ecological footprint: The economic significance of natural resources, population growth, and industrial development // Utilities Policy. Volume 81, April 2023, 101490 <https://doi.org/10.1016/j.jup.2023.101490>

7. Махмудов Н.М., Хомидов С.О., Джалилов А.А. Иқтисодий ўсиш моделлари. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2015. 248 б.

8. Qosimov A. A. ANALYSIS OF STATE DEVELOPMENT PROGRAMS (ON THE EXAMPLE OF SURKHANDARYA REGION) //Theoretical & Applied Science. – 2019. – №. 11. – С. 115-120.

9. <https://stat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти.

10. <https://mehnat.uz> – Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг расмий сайти.

11. <https://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.